

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
**ҚАРОРИ**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 22 ” февраль

№ ПҚ-4204

“ \_\_\_\_ ” 20 г.

**Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка  
қарши курашиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш  
чора-тадбирлари тўғрисида**

Республикада чўлланишнинг олдини олиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва ихота ўрмонларини кўпайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда республика ҳудудининг 70 фоизи ёки 31,4 млн га табиий шўрланишга, қум кўчкилари, чангли бўронлар ва гармселлар тарқалиши таъсирига учраган қурғоқчил ва ярим қурғоқчил майдонлардан иборат. Орол фожиаси оқибатида 5,5 млн гектардан ортиқ майдонли Оролкум чўли вужудга келган.

Ерлар чўлланишининг олдини олиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш соҳасида амалдаги давлат бошқаруви тизими ушбу йўналишдаги ишларни самарали мувофиқлаштиришни таъминлаш имконини бермаяпти.

Чўлланишга қарши курашиш, деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш бўйича ишларни олиб бориш самарадорлигини ошириш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини самарали бажаришни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 125-1-сон қарори билан Қаттиқ қурғоқчиликни бошдан кечираётган ва (ёки) чўлга айланиб бораётган мамлакатларда, айниқса Африкада чўлга айланиб боришларга қарши кураш бўйича БМТ Конвенцияси (кейинги ўринларда – Конвенция) ратификация қилингандиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасига куйидаги кўшимча функциялар юклансин:

республикада чўлланишнинг олдини олиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва ихота ўрмонларини кўпайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича халқаро мажбуриятларини бажариш;

чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ва минтакавий ташкилотлар билан самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича дастур ва лойихаларни ишлаб чикиш ва амалга оширишда иштирок этадиган вазирлик, идора ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ишларини мувофиқлаштириш;

Конвенция талабларини бажариш доирасида Ўзбекистон Республикасининг миллий ваколатли органи вазифаларини амалга ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппаратининг тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг Конвенция доирасида халқаро мажбуриятлар бажарилиши учун масъул бўлган штат бирликларини керакли миқдорда тугатиш ҳисобига бошқарув ходимларининг штат сони 4 нафардан иборат бўлган Чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бошқармаси ташкил этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси:

доимий равишда Конвенция доирасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари ўз вақтида ва зарур даражада бажарилишини таъминлаб борсин;

чўлланишнинг олдини олиш, қурғоқчиликка қарши курашиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва ихота ўрмонларини кўпайтириш бўйича юкланган вазифаларни самарали бажариш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хорижий ихтисослаштирилган ташкилотлар мутахассисларини зарур ҳолларда жалб қилсин;

ҳар чоракда чўлланишнинг олдини олиш, қурғоқчиликка қарши курашиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва ихота ўрмонларини кўпайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш борасида бажарилган ишлар ҳакида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб борсин.

5. Ташки ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича халқаро мажбуриятларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг миллий ваколатли органи функциялари Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига юклатилгани тўғрисида белгиланган тартибда Конвенция Котибиятига хабарнома юборсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича 2019–2023 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”ни;

қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат килиш Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Хавфсизлик кенгashi котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш.Мирзиёев